Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 30 июль, шанба № 122 (21.726). Сотувда эркин нархда:

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

29 июль куни Вазирлар Маҳкамасида 1994 йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш якунлари ва уларнинг самарадорлигини янада кучайтириш чора-тадбирларига бағишланган мажлис бўлди. Унда вазирликлар, давлат қўмиталари, уюшма, концерн, корпорациялар, маъмурий идораларнинг раҳбарлари, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирок этди.

Мажлисни республика Бош вазири А. Муталов кириш сўзи билан очди.

Республика Президенти Ислом Каримов мажлисда нутқ сўзлади.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотдан асосий мақсад — халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, фаровонликка эришишдир, деди Президент. Шу маънода ислоҳот одамлар ҳаётига қандай таъсир кўрсатмоқда? Қай даражада иқтисодий мустақилликка эришилди? Бугун ярим йиллик иш якунларини таҳлил этар эканмиз, ана шу саволларга жавоб излашимиз даркор. Қолаверса, ўтказилаётган ислоҳотнинг устивор йўналишларини, алоҳида аҳамият бериш лозим бўлган жиҳатларини яна бир бор назардан кечириб, аниқлаб олиб, фаолиятимизни ана шу асосда давом эттиришимиз керак.

Хўш, ислоҳот йўлидаги асосий муаммолар нималардан иборат? Уни муваффақиятли амалга оширишга нималар тўсқинлик қиляпти?

Шуни таъкидлаш керакки, заҳматкаш халқимиз сидқидилдан меҳнат қилаётир, деди Президент. Айниқса, деҳқонларимиз, пиллакору ғаллакорларимиз юқори натижаларга эришдилар. Ўзбекистон тарихида биринчи марта 1 миллион тоннадан зиёд ғалла тайёрланди.

Лекин ана шу пешона тери билан етиштирилган пилла, ғалла учун ҳақ тўлаш, деҳқонлар билан ҳисоб-китоб қилишни тегишли идоралар нега пайсалга соляпти? Оқибатда хўжалик ва ташкилотларнинг бир-биридан ўзаро қарзлари кўпайиб кетмоқда. Молия вазирлиги, марказий банк раҳбарлари алоқадор вазирликлар, ташкилотлар билан бу масалани тезда ҳал этиши лозим.

Кишини ташвишга соладиган яна бир масала макроэкономика, яъни илгари иттифоқ тасарруфида бўлган, фаолияти Ҳамдўстлик мамлакатларидаги таъминотчилар билан боғлиқ катта-катта заводлар тақдиридир. Хўжалик алоқалари узилиб қолгани боис, бу корхоналарнинг деярли барчаси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириб юбормоқда. Уларнинг раҳбарлари эса янги хўжалик алоқалари боғлаш хусусида етарли даражада бош қотирмаяптилар.

Биз шу йил 1 июлдан миллий валютамизни муомалага киритдик.

Унинг харид қобилиятини мустаҳкамлаш, қадрини тушириб юбормаслик энг долзарб вазифалардан биридир, дея таъкидлади Ислом Каримов. Бу эса биздан қаттиқ молия-кредит сиёсатини ўтказишни, товар билан таъминланмаган пулнинг муомалада бўлишига йўл қўймасликни талаб этади. Чунки, бусиз инфляцияни жиловлаб бўлмайди. Шундай экан, банкдаги ҳисоб рақамида пули йўқ хўжалик ҳисобидаги ташкилот ва корхоналар эртага ходимларига маошни қаердан олиб тўлайди? Бу ҳақда ҳокимлар, ана шу ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари бош қотиряптими, йўқми? Имтиёзли кредит олиб ойлик тўлайдиган замонлар ўтди, ахир? Шуни ҳамма теран англаб етиши керакки, энди ортиқча нақд пулнинг муомалада бўлишига йўл қўйилмайди. Чунки, бунинг аччиқ «меваси»ни тажрибада татиб кўрдик. Масалан, 1993 йили тайёрлов идораси ходимларига аҳолидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун 50 миллиард рубль нақд пул берилган эди. Унинг 8 миллиарди талон-тарож қилингани аниқланди. Бу нима деган гап?

Мамлакатда хусусийлаштириш жараёни ҳам кўнгилдагидек кечмаяпти, дея давом этди Президент. Савдо, маиший хизмат соҳасида бу иш гўё тугалланган бўлса-да, амалда моҳият деярли ўзгармади. Мулк том маънодаги эгасини ҳали ҳам топгани йўқ.

Биз келажаги буюк давлат барпо этишни ният қилганмиз, деди Ислом Каримов пировардида. Миллий давлатчиликни, асрий қадриятларни тиклаш, бозор муносабатларининг ижтимоий-иқтисодий асосларини яратиш йўлида республикада бир қанча ишлар қилинди. Ислоҳотимизнинг пойдеворини мустаҳкамлаб олиб, босқичма-босқич амалга оширяпмиз. Аҳил бўлсак, бир ёқадан бош чиқариб, камчилик ва нуқсонларни қадам-бақадам бартараф этиб борсак, иншооллоҳ, ниятимизга етамиз!

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосарлари — «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси раиси М. Шарифхўжаев, молия вазири Б. Ҳамидов; Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Р. Йўлдошев, Тошкент вилояти ҳокими М. Икромов, Олмалиқ кон-металлургия комбинати директори В. Сигедин муҳокама этилган масала юзасидан ахборот бердилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси У. Аширбеков, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашдилар.

(ЎзА).

Суратларда: мажлисдан лавҳалар.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

ИСЛОҲОТДАН МАҚСАД—ФАРОВОНЛИК

Куни кеча Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимиз жанубий вилоятлари бўйлаб сафари ниҳоясига етди.

Сафар Сурхондарё вилоятидан бошланди. Маълумки, Сурхондарё учта давлат — Афғонистон, Тожикистон ва Туркманистон билан чегарадош. Бу ҳол, албатта, вилоят аҳли зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Тожикистон — Афғонистон чегарасида ўта қалтис вазият юзага келган кунларда сурхондарёликлар ўзларининг юртпарварлик фазилатларини намоён этдилар. Ватанимизнинг жанубий чегараларида халқ ва ҳарбийлар ўртасида чинакам ҳамжиҳатлик юзага келди. Қисқа фурсатда чегараларимиз янада мустаҳкамланди. Истеъмол молларини ташиб кетишга ҳам барҳам берилмоқда. Чегарада, умуман, мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик таъминланиши, аввало, республикамиз ҳукумати юргизаётган оқилона сиёсатнинг самарасидир. «Аскари қувватли мамлакат бой бўлур, бой мамлакатнинг аскари қувватли бўлур», дейилади буюк жаҳонгир Амир Темур ўгитларида. Мамлакатимиз Президенти миллий армия сафида хизмат қилаётган юрт ўғлонлари, шу жумладан жанубий чегараларимизни қўриқлаётган чегарачилар турмуш шароитини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор бермоқда. Сафар бошида Ислом Каримов чегарачи зобиту аскарлар билан учрашгани ҳам бунинг далилидир.

— «Соғ танда соғлом ақл»,— деди Ислом Каримов ҳарбий хизматга чақирилганига эндигина бир ой бўлган ёш аскарлар билан суҳбатлашар экан.— Армия сизни ҳам руҳан, ҳам жисмонан чиниқтиради. Бу мактаб сабоғини олгач, юртнинг, миллатнинг ҳар томонлама комил фарзандлари бўлиб етишишингизга ишонаман.

Ислом Каримов чегарачилар турмуш шароити билан танишар экан, заставалардан биридаги янги казармани бориб кўрди. Таассуфки, янги турар жой замонавий талабларга мутлақо жавоб бермайди. Улар Термизнинг иқлим шароитини ҳисобга олмай қурилган. Тегишли ташкилотлар раҳбарларига қисқа фурсатда мавжуд камчиликларни тугатиш ва казармани намунали турар жойга айлантириш вазифаси юклатилди.

Ватан остонадан бошланади, дейдилар. Термиз билан Афғонистон ўртасида тикланган «Айритом — Дўстлик» кўприги ватанимизнинг жанубий остонасидир. У яқин келажакда хорижий мамлакатларга чиқиш учун муҳим алоқа йўлига айланиши шубҳасиз. Бу ерда чегарачиларимизнинг метин интизоми ва фидойи хизматидан кишининг кўнгли тўлади. Аммо, ҳарбийларимизнинг уюшқоқлигидан дил қанча хотиржам тортса, машҳур кўприк теграсидаги хароб манзарадан шунчалик ранжийди. Ҳатто, ушбу кўприк тантанали равишда очилганида, Аму соҳилига экилган арчалар ҳам сувсизликдан сарғая бошлабди. Ваҳолонки, бир қулоч наридан Амударё мавж уриб оқмоқда. Президентимиз мутасадди раҳбарларга нуқсонларни тугатиш юзасидан тегишли йўл-йўриқлар берди.

Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари фаоллари билан бўлган учрашувларда жойлардаги аҳвол, мавжуд муаммолар, қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари муҳокама қилинди. Жойларда ислоҳотларнинг бориш суръатлари таҳлил этилди.

Республика миқёсида қишлоқ аҳолиси ўз аҳволини бирмунча яхшилаб ола бошлади. Бунинг асосий сабабларидан бири — уларга етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини эркин нархларда сотиш имконияти яратиб берилганлигидир. Пахтачиликдаги аҳвол ҳам яхшиланмоқда. Бу йил пахтадан 32—34 фоиз тола олинди.

Республика раҳбарияти томонидан ғалла майдонларини кенгайтириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилганига қарамай, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида пахтадан «кўнгил узолмаслик» майли кучли экани сезилди. Ғалла ҳосилдорлигини ошириш эътибордан четда қолди. Еу ҳол, ўз навбатида, вилоятларда чорвачиликнинг ривожланишига, халқ турмушининг тубдан ўнгланишига салбий таъсир кўрсатди.

Ислом Каримов Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида иқтисодий ислоҳотни, жумладан, хусусийлаштиришни кенгайтириш, қишлоқларда янги даромад манбаларини излаб топиш, янги иш ўринларни ташкил қилиш, корхоналарда рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашга эришиш борасида куйиниб гапирди. Жойларда ислоҳотнинг ҳар бир вилоят муҳити, иқлими ва шароитига мос дастури яратилмаганини, хусусийлаштириш корхонанинг номинигина ўзгартиришдан иборат бўлиб қолаётганини кескин танқид қилди.

Вилоятлардаги хусусийлаштириш савияси бугунги замон талабига тўла жавоб бермайди. Мулк эгасига тегмаяпти. Кўп жойларда ҳалигача давлатдан таъмагирлик, боқимандалик кайфиятлари сақланиб қолмоқда. Кўпчилик янги, аммо ҳалол даромад манбаларини қидириш ўрнига маош кутиб ишсизликка кўникиб қолган. Даромад топиш ҳаракатида бўлган тадбиркорлар ҳам жойлардаги айрим раҳбарларнинг тўрачилик, расмиятчилик тутумидан ҳафсаласи пир бўлиб, қўли ишдан совиб бормоқда. Кишилардаги интилиш, ҳаракат, изланувчанлик, ишбилармонлик қўллаб-қувватланмас экан, на иқтисодий ва на маънавий турмушимизда ўзгариш бўлади. Бозор иқтисодиётига ўтишда муҳим омиллардан бири—бобомерос меҳнаткашлик ва тадбиркорликни тиклаш бўлса, иккинчиси, жаҳондаги илғор тажрибаларни ўрганиш, амалда татбиқ этишдир. Айтайлик, Сурхондарёда хорижнинг замонавий технологияси, хусусан, исроилликларнинг томчилаб суғориш тажрибасидан нега фойдаланилмаяпти? Кичик ва қўшма корхоналар кам ташкил этилган. Қашқадарё вилоятининг айрим туманларида очилаётган баъзи қўшма корхоналар эса хорижий давлатнинг эски ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Мамлакатимиз Президенти ҳокимлар диққатини яна бир муҳим масала — бугунги кунда раҳбар масъулияти муаммоларига жалб этди. Шу ўринда Ислом Каримовнинг раҳбарлар тоифаси ҳақидаги таснифини келтириш мақсадга мувофиқдир. Ислом Каримов фикрича, ҳозирги раҳбарларни уч тоифага бўлиш мумкин. Биринчиси, эскиликни қўмсайдиган, «Коммунизм» даври фикри-зикридан чиқмаётганлар. Бундайлар ислоҳотнинг боришига тўғаноқ бўладилар. Иккинчи тоифадаги раҳбарлар эски замонга қайтиб бўлмаслигини тушуниб етадилару, янги босқичга ўтиш учун қобилияти, савияси етишмайди, аниқ ва пухта режалари йўқ. Учинчи тоифа шундай раҳбарларки, улар асосан ёшлар, ўтмишга танқид билан ёндашиб, жаҳон андозаларини ўрганиб, изланиб, ёниб-пишиб ишлайдилар. Президент жойларда ана шу учинчи тоифа раҳбарларни тарбиялашга алоҳида эътибор бериш кераклигини уқдирди. Ёшларни тажриба орттириш, ўқиб-ўрганиш учун хорижий мамлакатларга юборишни кенг йўлга қўйиш ҳам билимдон раҳбарларни етиштириш борасида муваффақиятли қадам бўлишини таъкидлади. Раҳбар кадрлар тайинлашда уларнинг инсоф, имон ва диёнатига эътибор бериш муҳимлигини қайд этди.

Ислом Каримов ўз сафари мобайнида ҳар учала вилоятда амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишди. Қарши, Китоб бозорларига бориб, нарх-наво билан қизиқди. Жамоа хўжаликларида бўлиб, ғаллакорлар ва фермерлар билан суҳбатлашди. Ҳамма жойда халқ билан бевосита, очиқ ва самимий мулоқотда бўлди.

Самарқанд вилояти —кўпгина янгиликлар, ташаббуслар дунёга келадиган маскан. Юртбошимиз бу ерда бўлган чоғида аввало, ана шундай янгиликлар билан батафсил танишди. Самарқанд шаҳри теварагида улуғ бобомиз Амир Темур яратган боғлар қайта тикланмоқда. Самарқанд тумани раҳбарияти билан бўлган суҳбатда ободонлаштириш, қурилиш ишларининг бориши тўғрисида фикрлашиб олинди.

Жомбой туманида пахта майдонларини қисқартириш ҳисобига ғалла етиштириш кўпаймоқда. Бу йил туман деҳқонлари ҳар гектар ердан ўртача ғалла етиштирдилар. Хўжам Низоматов номидаги жамоа хўжалиги даласига экилган «Интенсив» ва «Қилтиқсиз» навли ғалладан гектарига 50—60 центнергача ҳосил олинди. Ғалланинг пландан ортиқчаси деҳқонларга арзон баҳода сотилмоқда. Жамоа хўжалиги раиси Аваз Эргашевнинг тасдиқлашича, халқ ғалла экишдан манфаатдор ва келажакда бу борада ҳосилдорликни гектарига 70—80 центнерга чиқариш имконияти бор.

Ислом Каримов деҳқонлар билан суҳбатлашар экан, ғалла етиштиришдаги мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, ишни тўғри ташкил қилиш, одамларни рағбатлантириш масалаларига кенгроқ эътибор қаратиш хусусида сўзлади.

Челак туманида ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида талай ютуқлар қўлга киритиляпти. Айниқса, деҳқон, фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш кутилган самараларни кўрсата бошлади. Президентимиз ана шундай фермерлардан бири — Маъмур Мухторов билан суҳбатлашди. М. Мухторов ўзи олаётган даромадлар ҳақида гапириб берди. Ушбу мулоқотлар тадбиркорлик билан иш кўрилган жойда ютуқлар улкан бўлишини яна бир карра исботлади.

Хуллас, республикамиз раҳбарининг Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари бўйлаб сафари шуни кўрсатдики, жойларда ислоҳотларни амалга ошириш, Фармон ва қарорларни ҳаётга жорий этиш борасида бир қанча ишлар қилиняпти. Шу билан бирга, ислоҳотга халал берадиган тўсиқлар, муаммолар ҳам анчагина. уларни бартараф этиш учун аввало, эскича фикрлашга, боқимандаликка чек қўйиш, ишни янгича ташкил этиш, тадбиркор, ташаббускор кадрларга кенг йўл очиш лозим. Ҳокимлар эса ана шу ислоҳотларнинг бошида бўлишлари керак. Шундагина халқимиз турмуш шароити яхшиланиб, бугунги иқтисодий қийинчиликларни тезроқ бартараф этишга шароит яратилади.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЧОРВА МОЛЛАРИ ВА СУТНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Хўжаликларнинг давлат буюртмаси бўйича чорва моллари ва сут сотиш ҳажмларини кўпайтиришдан иқтисодий манфаатдорликларини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1994 йил 1 августдан бошлаб чорва моллари ва сутнинг чекланган харид нархлари иловага мувофиқ белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги чорва моллари ва сутнинг янги харид нархлари прейскурантларини ишлаб чиқсин ва манфаатдор вазирликлар ва идораларга етказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 июндаги 278-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига илова

ЧОРВА МОЛЛАРИ ВА СУТ ХАРИД НАРХЛАРИНИНГ ЧЕКЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ

	бир тоннаси учун сўмларда (ўртача)	
	тирик вазнда	сўйилган вазнда
қорамол, от ва туялар	5300	11000
чўчқалар	6600	11000
қўй ва эчкилар	4400	11000
Асосий ёғлилик даражаси 3,6 фоиз бўлган сут		1000

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

УН ВА БУЛКА НОННИНГ ЧАКАНА НАРХЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Донни етиштириш, сотиб олишнинг қимматлашиши, уни ташиш ва қайта ишлаш харажатларининг ошиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1994 йилнинг 1 августидан бошлаб 1 килограмм уннинг чакана нархи ўртача 1,2 сўм ва 1 килограмм булка нонинг чакана нархи 1 сўм этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги уннинг ва булка нонинг чиқарилаётган турларини ҳисобга олган ҳолда янги чакана нархлари прейскурантларини манфаатдор вазирлик ва идораларга етказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 30 майдаги 274-сон қарори ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А. МУТАЛОВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

АҲОЛИГА СОТИЛАДИГАН АВТОМОБИЛЬ БЕНЗИНИ ЧАКАНА НАРХЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Нефть ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари нархларининг ошиб бораётганлиги муносабати билан ҳамда улардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1994 йилнинг 1 августидан бошлаб аҳолига сотиладиган автомобиль бензининнинг чакана нархи 1 литр учун 2 сўм миқдорида белгилансин.

2. Республика аҳолисининг айрим тоифаларига илгари қабул қилинган қарорларга мувофиқ берилаётган амалдаги имтиёзлар сақлаб қолинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бензиннинг янги чакана нархларини прейскурантларини тасдиқласин ҳамда барча манфаатдор вазирлик, идора, корхона ва ташкилотларга етказсин.

4. «Ўздавнефтмаҳсулот» давлат акционерлик бирлашмаси, унинг жойлардаги органлари автомобиль бензинини нақд пулга сотадиган автомобиль бензини қуйиш станцияларидаги автомобиль бензини қолдиқларини 1994 йил 1 августдаги ҳолатга кўра қайта баҳолаб чиқсинлар ҳамда қайта баҳолашдан тушган маблағларни ўзларининг айланма маблағларини кўпайтиришга йўналтирсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 июндаги 330-сон қарори билан тасдиқланган аҳолига сотиладиган автомобиль бензининнинг чегараланган чакана нархлари бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А. МУТАЛОВ.

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРЛАРИГА ШАРҲ

Дон етиштириш ҳамда республика ташқарисидан келтириладиган дон қимматлашгани, уни ташиб келтириш ва қайта ишлаш харажатларининг ошгани муносабати билан, бу маҳсулотларни республикадан ташқарига олиб чиқиб кетишга уринишларнинг ва молларни нон билан боқиш каби кўнгилсиз ҳолларнинг олдини олиш учун 1994 йил 1 августдан бошлаб янги чакана нархларни жорий этиш, бир килограмм ун нархини 1,2 сўм ва булка нонинг килограммини 1 сўм қилиб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шуни таъкидлаш зарурки, ҳукумат дон мустақиллигига эришиш юзасидан муҳим чора-тадбирларни кўраётганига қарамай, истеъмол қилинадиган донинг 80 фоизгача қисмини республика МДҲ мамлакатларидан ва бошқа хорижий мамлакатлардан келтиришга мажбур бўлмоқда. Айни пайтда дон жаҳон нархларида — бир тоннаси 130 долларга сотиб олинмоқда, уни ташиб келтириш харажатларини ҳам ҳисобга олганда, бир тонна дон давлатга 170 долларга ёки пулнинг расмий қиймати билан ҳисоблаганда бир килограмм дон 1,87 сўмга тушмоқда.

Шу муносабат билан нон, уннинг янги харид нархлари жорий этилганида ҳам ҳар ойда бюджет ҳисобидан 830 миллион сўм миқдорида қўшимча пул ажратилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

• *Партия аъзолари ҳақида ҳикоялар*

ЕТАКЧИДАН КЎНГИЛ ТЎҚ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Вобкент тумани кенгашида бўлганимизда Даврон Бобоқулов номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти фаолияти ҳақида ибратомуз фикрлар билдирилди. Минг марта эшитгандан бир бор кўрган маъқул, деган ақидага амал қилиб, жамоа хўжалигида бўлдик.

Партия ташкилотига ажратилган хонада котиб Рўзи Мажидовни қизғин иш устида учратдик.

— Мустақиллик байрамига тараддуд кўряпмиз,— деди у салом-аликдан сўнг.— Тадбирларни аниқ белгилаб, ишимизни жадаллаштирсак, эл олдида қизариб қолмаймиз.

Ўрта бўй, буғдой ранг, ҳали қирқни қораламаган бу йигит билан тезгина тил топишдик, партиявий ишлар билан танишдик.

— Ҳисобимизда 132 нафар ХДП аъзоси бор,— дейди котиб.— Ҳаммаси ташаббускор, ишчан. Вақтида саралаб, қабул қилганмиз. Бир пайтлар манфаат кўриш ниятида партияга кирганлардан бутунлай холи бўлганмиз. Ҳозир ҳам сон кетидан қувмаймиз. Ўтган йили тўққиз кишини қабул қилдик. Яқинда икки кишига партия билетини топширдик.

Рўзижоннинг асли касби — ўқитувчилик. Бухоро давлат муаллимлар олий билимгоҳини тугатган. Ўқитувчилик қилиб юрган даврида райкомдагилар назарига тушган. Бир неча йил жамоа хўжалигида раис ўринбосари, касаба уюшмаси қўмитаси раиси бўлиб ишлади. 1991 йилда унга партия аъзолари катта ишонч билдиришди. Ўшандан буён ХДП аъзолари етакчиси.

Хўжаликда туғилиб, вояга етгани учун ҳам ҳаммани танийди, партия аъзолари фаолияти, уларнинг нималарга қурби етиши, яшаш тарзини беш бармоқдек билади.

Хўжалик бошқаруви раиси, партия аъзоси Абдужаббор Қудратовнинг таъбирича, Рўзижон партия жонкуяри, тиниб-тинчимайди. Шундан бўлса керак, обрўйи баланд. Хўжалик раҳбари билан ҳамнафас. Муаммо чиқиб қолса, ҳамкорликда ҳал этади. Айниқса, ХДП аъзоларига қайишиш, уларнинг манфаатини ҳимоя қилишга эътибор катта. Эллик нафар партия аъзоси ва фахрийлари котиб ташаббуси билан 1994 йил газеталарига хўжалик ҳисобидан обуна қилинган. Шунингдек, Абдулла Жамолов, Даврон Холов, Султон Ҳасанов, Аваэхон Асадов сингари партия аъзолари ищ билан таъминланиб, партия ташкилоти тавсияси билан масъулиятли лавозимларга қўйилди.

Котиб партия йиғилишлари самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш учун унинг кун тартибига долзарб масалаларни киритади. Президент Фармонларини амалга оширишда партия аъзоларининг ўрни ва масъулияти масаласи муҳокама қилингани ҳамда бошқарув раисининг ҳисоботи тингланган бунинг исботи. Ўтказилган бу йиғилишлардан партия аъзолари қониқиш ҳосил қилганликлари шундаки, хўжаликда газлаштириш жадал борянти. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш тадбирлари кўрилмоқда. Қўлдош, Муғён, Шипаркент, Халач қишлоқлари тўлиқ газлаштирилди. Бойлик, Ниёзхўжа қишлоқларида бу иш ниҳоясига етай, деб қолди. Мўғён, Ҳошимхўжа қишлоқлари водопроводлаштирилди.

Партия ташкилоти котиби хусусийлаштириш масаласига эътиборини қаратган. Ҳозиргача учта мева-сабзавот ва учта гўшт дўкони, иккита ҳаммом, иккита сартарошхона хусусий мулк қилиб берилди. Қорамолчилик фермаси ҳиссадорлик жамиятига айлантириляпти. Қўшимча ишчи ўринлари яратиш чоралари кўрилмоқда. Яқин орада хўжаликда гилам, атлас тўқиш, дурадгорлик, мебель ишлаб чиқариш цехлари иш бошлайди. Ҳозирги пайтда тегирмон, мева қуритадиган цех ишлаб турибди.

Котиб аксарият тадбирларни ўтказишда Наим Воҳидов, Неъмат Асадов сингари партия фахрийлари кучғайратидан фойдаланади. Партияга қабул, аъзоларни тарбиялашда фахрийлар кўмаги унга қўл келяпти. Турли байрамларни ўтказишда ҳам улар котибга кўмакдош. Шундай пайтда Саломат Жаҳонова, Қодир Турдиев, Абдужаббор Қудратов сингари партия аъзолари ногиронлар, кам таъминланган оилаларда бўлиб, уларга жамоат ташкилотлари номидан хайрия, совға-саломлар улашиб. моддий ёрдам берадилар. Бундан ташқари, хўжалик марказий қўрғонида турли кўрик-танловлар, қизиқарли мусобақалар ташкил этилади.

Жорий йилда хўжаликда маҳсулот етиштириш эвазига олинадиган фойда ҳисобидан аҳолига хизмат кўрсатадиган бинолар қуриш ва кенг кўламда ободончилик ишларини бажариш кўзда тутилган. Бунда ҳам партия ташкилоти ташаббускорликни ўз қўлига олган. Хуллас, етакчидан ҳамманинг кўнгли тўқ.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Тажриба соҳибларига тан бермай илож йўқ. Дўстлик туманидаги Қ. Раҳимов номли ижара ширкатлари бирлашмасига қарашли «Илғор» ширкати пахтакорлари ўзларининг бой тажрибаси ва меҳнатсеварликлари билан тумандаги кўплаб ҳамкасбларини шундай хулосага келтирдилар. Негаки, улар бир неча йилдан буён чигит экишдан то ҳосилни етиштириб, йиғиб-териб олишгача бўлган барча юмушларда ҳаммадан илгарилаб кетадилар. Хатто, об-ҳаво ниҳоятда ноқулай бултурги шароитда ҳам йиллик режани ошиғи билан уддалаган ва ҳар гектар ҳосилдорлигини 30 центнердан оширган эдилар.

Ана шу азаматлар яқинда вилоятда биринчи бўлиб ўз ғўзаларини чилпишни бошладилар. Бултургидан 15 кун илгари бошланган бу муҳим агротехник тадбир ҳозирги пайтда сифатли ва тез ўтказилмоқда. Пахтакорларнинг эзгу мақсади бу йил ҳосилдорликни 35 центнерга етказишдир. Айни кунларда ширкатнинг ҳар ғўп ғўзасида 3-4 тадан тўқ кўсак санаш мумкин. Чилпишда илғор пахтакор Фарҳод Пардаев бошлиқ звено аъзолари пешқадамлик қилишаётир.

СУРАТЛАРДА: 1. Пешқадам механизатор Қуролбой Пирматов; 2. Ғўзаларни чилпиш пайти.

Қ. ЖУРАҚУЛОВ олган суратлар.

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРЛАРИГА ШАРҲ

(Давоми. Боши 1-бетда):

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, қабул қилинган қарор ички истеъмол бозорини ун ва боннинг ғайриқонуний йўл билан республикадан ташқарига олиб чиқиб кетилишидан, шунингдек, ҳозир содир бўлаётган — молларни нон билан боқиш ҳолларидан муҳофаза қилиш зарурлиги билан боғлиқдир. Маълумки, бир килограмм омухта ем бозорда 1,5—2 сўм туради, ҳолбуки, бу пулга 4—5 килограмм нон сотиб олиш мумкин.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўзида етиштирилган дон билан тўла таъминланибгина қолмай, бошқа МДҲ республикаларига, шу жумладан Ўзбекистонга дон сотаётган Қозоғистонда уннинг чакана нархи ўртача 8 тенге туради. Бу — бизнинг 2 сўмимизга тўғри келади.

Россияда 1 килограмм ун ўртача 500 рубль ва нон 575 рубль сотилмоқда. У ерда уннинг нархи бизнинг пулимизда 2,7 сўмга ва боннинг нархи 3,1 сўмга тўғри келади ҳамда республикамиздаги янги чакана нархлардан 2,3 ва 3,1 баравар ортиқдир.

Республикамизга етказиб берилаётган нефть ва нефть маҳсулотлари нархи ошганлиги муносабати билан ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, нефть маҳсулотларини ўғирлаш ва республикадан ташқарига олиб чиқиб кетилишига йўл қўймаслик мақсадида 1 августдан бошлаб аҳолига сотиладиган бензиннинг чакана нархи 1 литр учун 2 сўм миқдорида белгиланди.

Республика аҳолисига ижтимоий кафолатларни сақлаб қолиш мақсадида Президентнинг Фармони билан 1994 йил 1 августдан бошлаб бюджет ташкилотларида иш ҳақи ҳамда пенсияларнинг ҳамма турлари, олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,4 баравар оширилди. Энг кам миқдордаги иш ҳақи ойига 100 сўм, энг кам миқдордаги меҳнат пенсияси 105 сўм қилиб белгиланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗБЕКСАВДО» ДАВЛАТ УЮШМАСИ ВА «ЎЗБЕКБИРЛАШУВ»ДА

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил июль ойидаги 360-сонли қарорига мувофиқ асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархига эркин тус беришга қарор қилинган эди. Вазирлар Маҳкамасининг шу қарорида «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси ва «Ўзбекбирлашув» бошқарувига республика Молия вазирлиги билан биргаликда озиқ-овқат маҳсулотларига бозордаги нарх-навони ва харид қилиш ҳаражатларини ҳисобга олган ҳолда нарх белгилаш топширилган эди.

Мазкур идоралар озиқ-овқат маҳсулотларининг анча миқдори республика ташқарисидан жаҳон нархларида эркин муомаладаги валютага харид қилиб келтирилаётганини ҳисобга олиб, 1994 йил 1 августдан озиқ-овқат маҳсулотларига қўйиладиган шартномавий (эркин) нархларнинг қуйидаги янги даражасини белгилади:

сут
— 1 литр учун 1 сўм,
ҳамма турдаги гўшт (парранда гўштидан ташқари)
— 1 килограмм учун 15 сўм.

Олмаликдаги 6-ҳунар-техника билим юртида ватанпарвар ёшларни тарбиялаш масаласи диққат-эътиборда.

Маълумки, армияга чақирилувчи ёшларда техник ва жисмоний тайёргарлик кўникмаси бўлмаса, ҳарбий хизматни ўташда турли мушкулотларга дуч келиш-

АСКАРЛИК КЎНИКМАСИ

лари аниқ. Буни ҳисобга олган билим юрти маъмурияти талабаларга ҳарбий таълим бериш билан бирга уруш фахрийлари, вилоятдаги аскарлар билан амалий учрашувларни ташкил этмоқда.

Яқинда бунёд этилган «Мардлик» монументи ҳам ўқув масканига алоҳида салобат бахш этди. Унга афғон урушида мардларча ҳалок бўлган мазкур билим юрти битирувчиларидан Султон Олдиёров, Георгий Брюховец ва Рамай Размутдиновларнинг номлари ёзиб қўйилган.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«РАҲМАТ, РАҲБАР ЎҒЛИМ!»

Нўъмонжон ака уйидан ҳар тонг барвақт чиқади. Ҳамқишлоқлари билан кўришиб ўтади. Бу кун ҳам шундай бўлди. Жамоа хўжалиги идорасидаги хонасита кириб, кундалик режалар белгиланган дафтарини варақлаётганида эшик очилиб остонада нуроний онахон кўринди.

— Партком ўғлим, мумкинми?

— Бемалол, келинг, келаверинг,— дея Нўъмонжон ака онахонга пешвоз чиқди. Ундан ҳол-аҳвол сўраб, саломатлиги билан қизиқди. Хона тўрига стул қўйиб, ўтиришга таклиф этди.

— Яратганнинг ўзига шукур, ҳаммаси жойида,— деди онахон.— Сиз билан раис ўғлимга раҳмат айтгани келдим. Сизлар элтиб берган озиқ-овқатлардан баҳраманд бўлиб ўтирибман. Илоё, мартабаларинг бундан ҳам зиёда бўлсин!

Онахон дуо қилиб, ўрнидан қўзғалди. Нўъмонжон ака уни кузатиб изма-из ташқарига чиқди. Назарида бу кун жуда бошқача кўринди. Кўнгли равшан тортди.

Бу — Шаҳрихон туманидаги «Сардор» жамоа хўжалиги ХДП бошланғич ташкилоти котиби Нўъмонжон Қосимовнинг фаолиятидаги ягона мисол эмас.

Бир сафар жамоа хўжалигига борганимда идорадагилар раис бетоб, партком эса Қашқар маҳалладаги Ўғилхон ая Исматуллаевганикига кетганини айтишди. У билан онахон истиқомат қилаётган хонадонда кўришдик.

— Уйни ремонт қилаётган усталарнинг ишини кўриб кетай деб киргандим,— деди котиб.— Онахон бир пиёла чой ичмасанг хафа бўламан, деганлари учун ўтириб қолдим.

Гап орасида Ўғилхон ая менга юзландилар:

— Ўғлим, ака-укалардек, аҳил, иноқ бўлиб ишлаётган Комилжон **(жамоа хўжалиги раиси кўзда тутиляпти — А. С.)** ва Нўъмонжонлар ҳақида ҳам ёзинг. Улар биз сингари кексаларнинг ҳолидан хабар олгани вақт топишяпти. Худди фарзандимиздек меҳрибонлик қилишяпти. Мен сизга айтсам, мана шу ловиллаб турган газ плитаси ҳам уларнинг ёрдами билан ёнди. Ҳовлимизга сув тушириб беришди. Қийналмаяпмиз.

— Бизга маслаҳатларингиз асқотяпти ая,— деди Нўъмонжон ака онахоннинг илиқ сўзларига жавобан.

Ҳали анча ишлар борлигини айтиб, аядан изн сўрадик. Нўъмонжон ака билан чорвачилик фермасида бўлиб, ишларнинг бориши, чорвадорларнинг фаолияти билан танишдик. Партком йўл-йўлакай бу йил учун пухта ҳозирлик кўрилгани туфайли экинлар ривожи кўнгилдагидек эканини, бир неча кичик корхоналарда ҳаридоргир маҳсулотлар тайёрланаётганини ҳам айтиб берди. Жамоа хўжалигидаги ўзига хос янгиликларни эшитиб, илгарилашни кўриб кўнглимиз яйради. Айниқса, хўжалик раҳбарлари ва Нўъмонжон ака сингари партия фаолларининг республикамиз Президенти Фармонларини бажариш ҳамда одамлар манфаати учун астойдил ўринаётганликлари, кишиларга баҳоли қудрат кўмаклашаётганликлари ибратли.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани.

МИХ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Бозор иқтисодиёти шароити ташаббус ва тадбиркорлик билан иш тутишни тақозо этмоқда. Ишбилармонлик эса қўл келмоқда. Ўзбекистон металлургия заводи раҳбарияти барча цехларда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Шунингдек, завод тасарруфидаги кичик корхоналарнинг кенгайтирилишига ҳам эътибор катта.

Корхонанинг электр таъмирлаш цехида ишга туширилган мих ишлаб чиқариш бўлими ҳам кенжа меҳнат жамоаларидан бири. Бу ерга Алматидан бир йўла 4 та дастгоҳ олиб келиб ўрнатилди. Ёшлар ўқишга, ҳунар ўрганишга юборилди. Зарур хом ашё олиб келинди.

— Шундай қилиб ишни бошлаб юбордик,— дейди цех бошлиғи ринбосари Одинахон Раҳимова.— Дастлабки маҳсулотимиз буюртмачиларини хурсанд этмоқда. 1994 йилнинг биринчи чорагида 60 тоннадан зиёд турли ҳажмдаги мих ишлаб чиқарилди. Маҳсулот сифати кўнгилдагидек. Республикамизнинг Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидан бизга буюртмалар тушмоқда. Корхонамизнинг Шаҳрихон, Хоразм, Бухородаги фирма савдо дўконларида ҳам михни сотувга чиқармоқдамиз.

Электр таъмирлаш цехининг мих ишлаб чиқариш бўлими тўла қувват билан ишламоқда. Шуҳрат Норматов, Шавкат Рустамов, Йўлдош Тоиров каби дастгоҳ бошқарувчилар фидокорлик билан ишламоқдалар.

Бир соатда ҳар бир дастгоҳда 200 килограммгача мих ишлаб чиқариш мумкин. Хом ашё — турли ҳажмдаги сифатли симлар ҳозирлаб қўйилган.

Заводда мих ишлаб чиқариш бўлимининг ташкил этилиши ишчи ўринларини сақлаб қолишга, уларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлашга, қурилиш ташкилотларининг михга бўлган талабларини қондириш имкониятлари яратилмоқда.

Муҳайё ТУРҒУНОВА.

ЯНГИ КИТОБЛАР

«СЎҒД ЎҒЛОНИ»

Яқинда «Нур» ижодий Хазина илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ёзувчи Мақсуд Қориевнинг «Сўғд ўғлони» тарихий романи босиб чиқарилди. Мазкур роман бундан бир неча йил муқаддам «Спитамен» номи билан чоп этилган эди. Муаллиф ўқувчи ва адабиётшуносларнинг фикр-мулоҳазалари асосида китобни баъзи бир тузатишлар, ўзгартишлар билан қайта ишлаган, янги боблар қўшган.

Асарда Сўғдиёна элининг қаҳрамон фарзанди Спитаменнинг Искандар Зулқарнайн бошчилигидаги юнон-македон босқинчиларига қарши, мустақиллик учун қаҳрамонларча кураши акс эттирилган. Қадимий Сўғдиёна, унинг одат-анъаналари, одамлар тақдири ҳақида кўп тарихий маълумотлар берилган. Мазкур китоб Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигига эътиборли туҳфадир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигига

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИДА

Ислом динимизнинг муқаддас мероси — фалсафа илмини, хусусан, Шарқ фалсафасини теран ўрганиш, шу асосда улуғ маданиятимиз ва қадриятларимиз илдизларини жонлантириш, яқин ўтмишимиздан қолган мафкурадан халос бўлиш, ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуғ аждодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий — умумбашарий руҳ билан бойитиш ҳаммамизнинг долзарб вазифамиздир.

Ислом КАРИМОВ.

Яқин кунларда халқимиз истиқлолга эришганининг уч йиллигини нишонлайди. Анъанага кўра маълум саналар олдида босиб ўтилган йўлга назар солинади. Ютуқлар эътироф этилиб, янги режалар тузилади. Имкониятлар чамалаб кўрилади. Мустақиллигимизнинг уч йиллиги ҳам ана шундай айёмлардан бири. Чунки бу улуғ кун бизнинг рўшноликка чиқишимизга, кўкрагимизга озодлик шамоли тегишига, ўзлигимизни англашга, диёримиз, халқимиз, унинг тарихи, ҳозирги куни ва келажаги ҳақида баралла сўзлашга, нафақат сўзлаш, балки унинг буюк давлат бўлишига бор куч-ғайратимиз, иқтидоримиз, билимимизни сарфлашга ва орзу-умидларимизни рўёбга чиқаришга шароит яратди. Шунинг учун ҳар йил, ҳар ойда эришилган ютуқлар, қилинган ишлар ва қилинажак режалардан халқимизни кўпроқ бохабар қилсак, айни муддао бўларди.

Истиқлолимизнинг биринчи кунлариданоқ халқимизнинг бир неча минг йиллик тарихи борлиги, ундан маънавий озуқа олишимиз керaклиги таъкидлаб келинмоқда. ва қадриятларимиз эъзозланиб, уларга алоҳида эътибор берилмоқда. Агар биз кейинги бир йилда ҳаётга татбиқ этилган тадбирларга назар ташласак сўзларимизга ортиқча далил-исбот керак эмаслигини кўрамиз. Ҳақиқатан ҳам мустақил Ўзбекистон ўзининг ички ва ташқи сиёсатида биринчи навбатда халқ фаровонлигини ошириш масалаларига эътибор бермоқда.

Ички сиёсат борасида бу охирги олти-етти ой ичида қабул қилинган Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида ўз аксини топди. Ташқи сиёсат борасида қабул қилинган ҳужжатларда эса чет эл инвестицияларини жалб этиш, тезроқ иқтисодимиз, саноатимиз, қишлоқ хўжалигимиз ва бошқа соҳаларни тиклаш, ривожлантириш ҳамда халқаро талабларга жавоб берувчи, рақобатга чидамли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга кўмаклашиш вазифасини фаоллаштиришга қаратиляпти.

Ички ва ташқи сиёсат уйғунлиги, шубҳасиз, мамлакат ривожланишининг тезлашишига ва режаларнинг тўлатўкис ҳаётга татбиқ этилишига қулай шарт-шароит яратади. Республика раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари ана шундай имкониятларни вужудга келтиряпти. Тахлил қилинаётган давр мобайнида ташқи алоқаларимиз янада фаоллашди. Бунинг кўзгуси таширифлардир. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 48-сессиясидаги маърузаси ҳамда юртбошимизнинг Франция Республикасига, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигига, Ҳиндистон Республикасига, Японияга, Туркия Республикасига расмий таширифлари ва Швейцариядаги Давос учрашувидаги иштироки ва айни пайтда Ўзбекистонга Эрон Ислом Республикасининг Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжоний, Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Бош вазири Ли Пэн, Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттеран, Қурия Республикаси Президенти Ким Ен Самнинг расмий таширифлар билан келишларидир. Бу таширифларнинг барчасида зикр этилган ягона мақсад — Ўзбекистонининг буюк келажагини барпо этишга қаратилган.

Мустақиллигимизнинг учинчи йилига илк қадам аждодлар меросини қайта тиклашдаги амалий ва фаол жонбозлигидир. Қадриятларимизни тиклаш, маънавиятимизга улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизни халқимизга яқиндан таништириш ва улар яратган бебаҳо дурдоналардан ҳозирги кунда тўлиқ фойдаланиш йўлида амалга оширилган тадбирлардан яна бири имом ал-Бухорийга бағишланди. Бу номни ислом оламида билмаган одам йўқ. Ана шундай катта шуҳратга сазовор бўлган бобомиз, маълумки, Самарқанд яқинидаги Челак турманида дафн этилган ва у ерда аллома номи билан аталувчи масжид ҳам бор.

Собиқ тузум даврида буюк аллома қабри унутилган ва йўқолиб кетиш даражасига яқинлашиб қолган эди. Аммо халқнинг ўз алломасига ҳурмати бунга йўл қўймади. Мустақиллик, қадриятларга юртбошимизнинг эътибори ва уни тиклашдаги саъй-ҳаракати нафақат қабрни таъмирлаш, балки масжид билан биргаликда бутун мажмуани таъмирлаш бўйича халқаро миқёсда энг яхши лойиҳа танловини ўтказишга олиб келди. Лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун танловга ислом дунёсида ўз ижодий фаолияти билан кўзга кўринган меморлар таклиф этилдилар. Улар орасида олмониялик Бодо Раш, Марокашдан Али Идрисий, Мисрдан Абдул Ҳалим Иброҳим ва Абдул Воҳид ал-Вакил, Иорданиядан Расем Бадран, Ўзбекистондан Абдуқаҳҳор Турдиев ва Муҳаммаджон Аҳмедовлар бор эди. Танлов якуни ҳамда «Имом ал-Бухорий: ҳаёти ва ижоди» халқаро илмий анжумани 1993 йил октябрь ойида бўлиб ўтди. Тадбирларда иштирок этган Президентимиз имом ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилгач, ҳурматли меҳмонлар дафтарида қуйидагиларни ёзиб қолдирди:

«Диёримизнинг ўғлони, халқимизнинг муносиб фарзанди ва буюк муҳаддис имом ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш мен учун улуғ ва шарафли вазифани адо этиш билан баробардир. Алломамизнинг ҳадис илми ривожига қўшган улкан ҳиссаси уни жаҳонга танитди. Ўзбекистонда туғилиб вояга етган имом ал-Бухорий ўз илми билан ислом дини келиб чиққан Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунаввара аҳлининг ва барча дин пешволарининг таҳсинига сазовор бўлди. Шу кунларда унинг руҳини ёд этиб амалга оширилаётган тадбирлар алломанинг асрлар оша барҳаётлигидан далолатдир. Келажакда бу макон ислом аҳли учун муқаддас қадамжо ва ғоят гўзал зиёратгоҳлардан бирига айланишига ишончим комил».

Анжуман танловига тақдим этилган беш лойиҳанинг ғолиби эълон қилинди. Биринчи ўринни олмониялик мемор, Маккаи Мукаррамадаги кўпгина лойиҳалар ва Мадинаи Мунавварадаги масжиди «Ҳарам» лойиҳасининг муаллифи Бодо Раш ва унга ёрдам кўрсатган гуруҳ эгаллади. Ғолиб чиққан гуруҳда ўзбек мемори Камол Шоаҳмедов ҳам бор.

Диёримиз вакиллари — буюк алломалар жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси тобора кенг тан олинмоқда. Бу борада олиб борилаётган ишларнинг янада авж олдирилиши, уларнинг фан ва маданият борасидаги кашфиётлари ва ҳиссаларини кенгроқ, тўлароқ тарғиб қилиш, халқ оммасига кўпроқ етказишга қулай шарт-шароит яратиляпти. Бу эса маънавий баркамоллик, республикамизда қурилаётган келажаги буюк дунёвий давлатнинг омилларидан бири эканлигидан далолат.

Аждодлар яратган ҳамда асрлар мобайнида тўлдириб борилган маданий ва маънавий меросни тарғиб қилиш йўлларидан бири халқаро анжуман ва фестивалларда иштирок этишдир. Шу кунларда Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда бўлиб ўтаётган (17 июндан 31 октябргача) Бутундунё ислом цивилизацияси фестивали ана шундай имкониятлардандир. Унда иштирок этаётган Ўзбекистон халқаро миқёсда яна бир бор ўзининг бой маданиятини намойиш этмоқда.

Фестивални ўтказиш ташаббускори ва унинг мутасаддиси Малайзия Бош вазири Маҳатҳир бин Муҳаммад ҳукумат раҳбарлари билан биргаликда намойишга қўйилган кўргазмалар билан танишишни марказий бинода жойлаштирилган VII асрга мансуб, Ўзбекистондан келтирилган Усмон Қуръони факсимилесини кўришдан бошлади. Қуръоннинг бу нусхаси Бош вазир ва унинг барча ҳамроҳларида ғоят катта таассурот қолдирди.

Кўргазмалар билан танишган Маҳатҳир бин Муҳаммад Ўзбекистондан келган маданият намуналари бу диёрнинг ислом цивилизациясида ўз ўрни ва чуқур маданий илдизлари борлигидан далолатдир деган фикрни баён этди.

Бу ерда ўзбек халқи қуй ва қўшиқлари янгради ҳамда рақслари ижро этилди. Барча ҳозир бўлганларга ўзбек миллий таоми палов тортилди. Ўтказилган тадбир, яъни «Ўзбекистон куни» Малайзия оммавий ахборот воситаларидан телевидение ҳамда «Бизнес таймс» ва «Зе стар» газеталарида кенг ёритилди.

Қадриятларимизни тиклаш йўлида олиб борилаётган тадбирлар изчиллик билан муттасил давом эттирилмоқда. Улар шу йил Шарқнинг буюк алломаси Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги тантаналарида ўз давомини топяпти.

Маънавий баркамолликка эришиш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар қаторида Президентимизнинг «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида» Фармони ва уни бажаришни таъминлаш мақсадидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорини зикр этиш лозим. Бу жамоатчилик марказининг асосий вазифаларидан маънавий-маърифий масалаларга доир маърузалар, анжуманлар, суҳбатлар ўтказиш кабиларни эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Табиийки, буларнинг ҳаммаси республикамизнинг буюк давлат, халқимизнинг эса маънавий етук ва баркамол бўлишига олиб борувчи омиллардан бири эканлиги шубҳасиз.

Ронқ БАҲОДИРОВ,
фалсафа фанлари номзоди.

ҚИММАТГА ТУШАЁТГАН ДАРСЛИКЛАР

Қорақалпоғистонда мактаб ўқувчиларини янги ўқув йилида дарсликлар билан таъминлашда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Шундай савол билан Қорақалпоғистон Республикаси «Билим» нашриёти бош муҳаррири Қуат Айтжонович Есемуратовга мурожаат қилдик.

— Бозор муносабатларига ўтишдаги қийинчиликлар, муаммолар «Билим» нашриёти жамоаси ишларига таъсир қилмай қолмади. Шунга қарамай имкониятларимиздан самарали фойдаланиб дарсликларни чоп этишда дастлабки натижаларга эришмоқдамиз. Бу йил 45 номдаги дарсликни чоп қилишни режалаштирганмиз. Шундан ҳозиргача деярли ярми босилди. Улар орасида 10—11-синфлар учун «Қорақалпоғистон тарихи», 5—9-синфлар учун «Қорақалпоқ тили», 8—9-синфлар учун «Ўзбекистоннинг табиий ва иқтисодий географияси», юқори синфлар учун «Одобнома» каби дарсликлар бор.

Асосий базамиз Нукус матбаа комбинати. Бу комбинатдан ташқари, Самарқанд босмахонаси, Тошкент матбаа комбинати, Тошкент офсет фабрикаси жамоалари дарсликларни чоп қилишда яқиндан ёрдам кўрсатмоқда.

Шунга қарамай дарсликларни нашрдан чиқаришда ўтган йиллардагидан анча орқада қолмоқдамиз. Бунинг асосий сабаби маблағ, қоғозларнинг етишмаслигидан бўляпти. Босмахона, полиграф комбинатлар пул ўтказишни талаб қилмоқдалар. Дарсликларни ўз вақтида чиқариб ўқувчиларга етказиб бериш учун банклардан катта фоизда қарз олишга мажбур бўлмоқдамиз. Натижада чиқарилаётган дарсликларимизнинг баҳоси қимматлашиб бормоқда. Агар олдиндан буюртмачи — Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўз вақтида пул ўтказганида эди, дарсликлар бунчалик қимматга тушмаган бўлар эди. Айни чоғда вазирлик нашрдан чиқарилган дарсликлар учун етарли маблағ топиб беролмаяпти. Шунинг учун айрим дарсликларни очиқ савдога чиқариш ҳақида ҳам ўйлаб кўрилса...

Дарсликларни нашрдан чиқаришда Тошкентдаги «Ўқитувчи» нашриёти ёрдамига муҳтожмиз. Чунки илгари қорақалпоқ тили ва адабиёти дарсликларидан бошқа ҳамма дарсликларнинг ҳақиқий нусхаси Собиқ марказдаги «Просвещение» нашриётидан келар эди. Ҳозирги дарсликлар асосан маҳаллий авторлар томонидан тузилиб, «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилмоқда. Бироқ янги дарсликларнинг ҳақиқий нусхалари бизга ўз вақтида етиб келмаяпти. Республикамизда қорақалпоқ тилида ўқийдиган мактабларда ўзбек тили, ўзбек тилида ўқийдиган мактабларда Қорақалпоғистон тарихи ва географияси бўйича соатлар ажратилган. Мана шу фанлар бўйича дарсликлар «Ўқитувчи» нашриётида чиқарилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Мактаб ўқувчиларини янги ўқув йилида ўз вақтида дарсликлар билан таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги раҳбарлари ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари амалий ёрдам кўрсатади, деб умид қиламиз.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• «Ўзбекистон овози» рейди

НОНСИЗ КУН ЎТМАЙДИ

ЁХУД АҲОЛИНИ БУЮК НЕЪМАТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҚАЙ АҲВОЛДА?

Кунимиз нонсиз ўтмайди. Бошқа ноз-неъматлар унинг ўрнини боса олмайди. Нонни ҳар қанча истеъмол қилмайлик кўнглимизга урмайди, кишини доимо тетик, бардам тутади. Унинг аҳамияти ҳақида ҳар қанча гапириш мумкин...

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати аҳолини ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор беряпти. Шу жумладан, кейинги пайтда мамлакатимизда нон тайёрлаш муттасил ўсиб бораётир. Биргина Тошкент шаҳри дўконларида мўлжалдагига қараганда 100—130 тонна ортиқча нон сотиляпти. Бу ҳолни бошқа жойларда ҳам кузатиш мумкин. Бунинг натижасида республикамизда ўтган 6 ой мобайнида нон ишлаб чиқариш 20 фоиз кўпайди. Ҳукуматимиз буюк неъматни янада кўпайтиришни ўйламоқда. Аммо унн меъёрида, истеъмолга яраша харид қилиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик шу куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, халқимизда «Мол дунёси бисёр бўлган киши бой эмас, балки исроф йўлини беркитиб, тежамли бўлган киши бойдир» деган нақл бежиз айтилмаган.

Кунлик истеъмолдан ортиқча нон олаётганларга яхши амалларни эслатиб қўйиш, нари борса тартибга чақириш орқали бироз бўлса-да тежамкорликка эришиш мумкиндир. Аммо шундай тонфадаги кишилар борки, улар яхши билан ёмонни, ҳалол билан ҳаромни билиб туриб, унга амал қилмайдилар. Ўзгаларнинг ночорлиги ҳисобига бойлик орттиришни ўйлайдилар. Булар нон билан мол боқаё[illegible], шунинг ҳисобига бойликка эга бўлишга уринаётга[illegible]симсалардир. Уларнинг қоп-қоп нон харид қилиб, молга едираётганига нима дейсиз? Ахир бу кўрнамаклик-ку!

Аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашда кўпчиликни ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган муаммолардан бири — маҳсулот сифати ва жойларга вақтида етказиб берилмаслигидир. Биз ана шу масалани ўрганиш учун 25 июль куни Тошкентдаги бир нечта дўконларда, нон ишлаб чиқарувчи корхоналарида бўлдик.

Акмал Икромов туманидаги 2-озиқ-овқат дўконидамиз. Соат тахминан учлар. Дўконга оёқ қўйиб бўлмайди.Одамлар тирбанд. Ҳамма тезроқ нон олиш илинжида.

— Нега бунчалик одам кўп,— сўраймиз дўкон мудири Абдусаттор Сайдаҳмедовдан.

— Чунки нон тез-тез, вақтида келтирилмайди. Шунинг учун навбатда одамлар туриб қолишади. Аслида бизга буюртмамиз бўйича керакли пайтда нон келтириб турилиши керак. Аммо «лоток» йўқ, машина йўқ, деган баҳона билан вақтида юборишмайди. Кўпинча сотувчиларимизнинг ўзлари кунига 2—3 марта Бешёғочдаги бош корхона, бўлка-қандолатчилик комбинати, 3-нон заводига қатнаб, нон келтиришади.

Биз дўконда бўлган куни бу ерда беш хил олий, биринчи навли ва жавдар нони, ҳамда булочка ва патир бор экан. Олий навли бўлка нон — 320 сўм-купон, биринчи нав — 280 сўм-купон, жавдар нони — 230 сўм-купон, булочка — 500 сўм-купон патир — 500 сўм-купон деб ёзиб қўйилган. Лекин уларнинг сифати талабга жавоб бермайди.

Ву ҳам майлия, уларнинг ҳажми нормада белгиланганидан анча кам чиқди. Масалан, биринчи нав буханка аслида 700 грамм бўлиши керак экан, тортиб кўрилганда 640 грамм чиқди. Жавдар нони тайёрловчиларнинг «тежамкорлиги» айниқса бизни ҳайратга солди. «Азамат»лар одамларга оғирлик қилмасин дейишганми, 900 грамм ўрнига бу нонни нақ 800 грамм қилиб чиқаришибди. Ҳар бир буханка 100 граммдан кам бўлса, бир кунда, бир ойда, бир йилда қанча тежаларкин? Ўша тежалгани қаерга кетаяпти? Майли, бу саволларга жавоб топиш бизнинг ишимиз эмас, уни қилни қирқ ёрувчи назорат органлари аниқлашади.

Оқтепа мавзесидаги 49-дўконда бўлганимизда ҳам худди шундай аҳволни кўрдик. Мудира Дилшода Мухторованинг айтишича, келтирилаётган нонлар сифатли эмас, куйган, эзилган, қийшайиб кетган, берч бўлиб қолганлари кўп. Буни ўз кўзимиз билан ҳам кўрдик. Бунинг устига нон буюртмага кўра вақтида келтирилмайди. Баҳона яна ўша: «Лоток йўқ, машина бузуқ» ва ҳоказо. Нон сифати кўнгилдагидек эмаслиги устига ҳажми ҳам керагидан кам. Жавдар нони 800 грамм, биринчи нав нони 630 грамм чиқди. Бизнингча, изоҳга ҳожат бўлмаса керак...

Аммо буниси ҳали ҳолва экан. Шу куни соат тўртдан кейин ошганда Шайҳонтоҳур туманидаги 63-дўконда бўлганимизда бу ерда одам сийраклигини кўриб ҳайрон бўлдик. Чунки пештахтада 50—60 тача буханка бор, эди холос. Суриштирсак, фақат 1-нав буханка нон экан. Сифати паст. Танлашнинг имкони йўқ. Шунинг учун одамлар бошқа ерларга бориб нон олишга мажбурлар.

— Кунига Бешёғочдаги бош корхонадан 400 та биринчи нав, бўлка-қандолатчилик комбинати ва 4-нон заводидан 300—320 та олий нав, 9/5-цехдан 400 та оби нон оламиз,— дейди катта сотувчи Алишер Отабоев.— Биз хизмат қиладиган маҳаллаларда эса аҳоли кўп, шунинг учун нон етишмайди. Яхшиямки, кўпинча ўзимиз бориб олиб келамиз. Бўлмаса одамлар нон тополмай сарсон бўлишини кўринг.

Дарҳақиақт, биз қаерда бўлмайлик, одамлар дўконларга вақтида нон келтирилмаганлигидан, уларнинг сифати кўнгилдагидек эмаслигидан нолишди.

— Биз истиқомат қилаётган «Жарариқ» мавзесида кейинги йилларда анчагина кўп қаватли уйлар қурилди, дейди фуқаро Раъно Ортиқова.— Аҳоли сони ошиб кетди. Аммо шунча аҳолига атиги битта нон дўкони хизмат қилади. Буям майли-я, бу ерга нон кунига бир, нари борса икки маротаба келтирилади, холос. Келган заҳоти хомталаш бўлиб кетади. Айрим кунлари умуман нон келмайди. Бундан фойдаланган хусусий новвойлар ёпган нонларнинг нархини осмонга чиқариб юборишади. Начора, нонсиз кун ўтмаса, рўзғорнинг бир томонини тортиб бўлса ҳам олишга мажбурмиз.

Дарвоқе, Тошкент йил сайин ҳам бўйига, ҳам энига кенгаймоқда. Янги-янги мавзелар бунёд бўлаётир. Аҳоли сони тинмай ўсиб бораяпти. Лекин шу ерларда маданий-маиший объектлар қуриш, айниқса халқимизнинг кундалик турмуши учун зарур бўлган озиқ-овқат, хусусан, нон дўконлари очиш мутлақо талабга жавоб бермайди. Буни юқоридаги биргина мисолнинг ўзи тўла тасдиқлаб турибди.

Бироқ пойтахтнинг энг гавжум жойларида нон дўконларининг йўқлигига нима дейсиз? Олой деҳқон бозори Тошкентдаги энг йирик бозорлардан биридир. Бу ерга ҳар куни неча ўн минглаб киши келиб-кетади. Вақтининг бир қисми шу ерда ўтади. Бироқ шундай гавжум жойда бирорта давлат нон дўконининг йўқлиги одамни таажжублантиради.

Шу бозордамиз. Айниқса, нон расталари атрофи сершовқин, тирбанд. Сотувчиларнинг топиб олган нархларини қаранг: оби нон янги пулга — 2 сўм, патир нон — 4 сўм. Тўғри, айримлар 1—1,5 сўмдан ҳам сотишяпти. Буни эшитиб, инсофли новвойлар ҳам бор экан-ку, деб юборгинг келади, кишининг. Аммо гап бошқа ёқда. Бу нонлар ё кечаги, ё ўта сифатсиз. Аммо олишяпти. Чунки бошқа жойда бўлмаганидан кейин мажбур бўлишади-да!

Бу ерда бир неча умумий овқатланиш тармоқларини бирлаштирган «Маъмур» деб номланган ҳиссадорлик жамияти (бошлиғи Собир Қўшоқов) фаолият кўрсатяпти. Унинг тасарруфида тандирли новвойхона ва газда нон ёпадиган цех бор. Новвойхонада кунига 1500—1800 та тандир нони ёпилар экан. Тўғри, Олой бозорида давлат нон дўкони бўлмаганидан сўнг одамлар бу ерга ёпирилиб келади. Ҳар бири 200—250 граммлик нонинг нархи 560 сўм-купон. Газда нон тайёрлаш цехи (бошлиғи Эргаш Хўжаев)да эса кунига 200 та атрофида нон тайёрланар экан. Аммо бу ерда ишлаб чиқарилаётган нонлар анча сифатсиз. Калькуляция бўйича 220 граммлик «Юбилейний» деб номланган патир 700 сўм-купондан сотилиши керак. Ошхона ичидаги нарх шундай. Яна ким билади дейсиз! Чунки биз бу ерда антиқа бир ҳодисанинг гувоҳи бўлдик. Ошхонадан 50 метр чамаси нарида, яъни Олой нон бозорида бир йигитча ёпилган нонларни бемалол 1,5 минг сўм-купондан сотиб ўтирарди. Биз буни суриштиргач, нонвойхонадан бир йигитча ўқдек учиб бориб ҳалиги нон сотаётган новвой болани огоҳлантирди. Зум ўтмай у саватини кўтарганча жуфтакни ростлаб қолди. Буни қандай тушуниш мумкин? Гарчи, «Маъмур»дагилар бу воқеани тан олишмасада, бизга бу ҳолатни шу бозор қошида ишлаётган Юнусобод тумани солиқ инспекцияси ходимлари аниқлаб беришса ажаб эмас.

Нима учун бозордаги нонларнинг нархи баланд? Чунки улар билан рақобат йўқ. Юқорида таъкидлаганимиздек, Олой бозори ичида бирорта давлат нон дўкони йўқ. Қўлбола новвойлар эса ўз нонларини бемалол икки минг, тўрт минг сўм-кўпондан пуллашмоқда. Ахир улар шу нархнинг ярмига сотган тақдирларида ҳам ўз ҳаражатларини бемалол қоплаб, фойда олишлари мумкин. Одамга инсоф ҳам керак-да!

Юқоридаги ҳиссадорлик жамиятидагилар нималарга асосланиб ёпган нон ва патир нархини белгилаётганликлари бизга қоронғу. Лекин шуниси аёнки, «Маъмур»нинг нони баҳоси давлат корхоналариникидан юқори. Агар 220 граммлик нон 70 тийин, 350 граммлик нон эса 72 тийин туришини эътиборга олсак, аҳолига давлат корхоналари арзон маҳсулот етказиб бераётганлигини кўрамиз. Аслида эса корхоналарни хусусан, умумий овқатланиш тармоқларини хусусийлаштиришдан мақсад—аҳолига арзон, чиройли, сифатли маҳсулот етказиб беришни таъминлашдан иборат эмасми?

Хуллас, бир кунлик рейдимиз мобайнида шаҳардаги кўпгина нон дўконларида ва корхоналарда бўлдик. Лекин юқорида кўрганларимиздан хулоса чиқариб айтиш мумкинки, Тошкент шаҳридаги нон корхоналари дўконларнинг буюртмаларига биноан ўз вақтида нон маҳсулоти етказиб бераолмаяптилар. Бу саволга улар «Лоток» йўқ. «Машина йўқ», «Транспорт чатоқ» деган баҳоналарни рўкач қилишмоқда. Хўп, ахир лоток билан, транспорт билан ким шуғулланади? Бозор иқтисодиёти шароитида ўзинг учун ўл етим дейдилар. Агар корхоналардагилар ўзларига керакли асбоб-анжомларни, транспортни йўлга қўёлмас эканлар, хўш кимдан нажот ғутишади? Ахир олма ўз-ўзидан пишиб, оғизга тушмайди-ку! Шаҳардаги Тошкент нон ишлаб чиқариш бош корхонаси, 3—4,5-заводлари, бўлка-қандолатчилик комбинати қачон нон таъминотини яхши йўлга қўядилар? «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси бу муҳим муаммоларни қачон ижобий ҳал этади?

Тўхтамурод ТОШЕВ,
Каримжон РИХСИЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.

БИЛАСИЗМИ!

- **Нон қадим-қадимдан бизнинг Ватанда муқаддас ҳисобланади. Уни Қуръони каримга тенглаштиришган. Унга сиғинишган, нон билан қасам ичишган.**
- **Нон тайёрлашда Греция новвойлари махсус шаклли идиш-товоқлардан фойдаланишган. Идиш эса «клибанос» деб аталган.**
- **Франция қироли Генрих IV ўз титулига яна бир ном — «Нон қироли» номини ҳам қўшган эди. Бу билан у ўзининг улуғ ҳукмронлигини ва фуқарони нон билан етарли таъминлаётганини билдирмоқчи бўлган.**
- **Қадимги Римда бир неча катта новвойхона ташкил этилган. Авлод-аждоди нон ёпиш билан шуғулланган новвойга икки минг йил муқаддам ёдгорлик қўйилган.**
- **Энг йирик новвойхона Измайловода бўлиб, у подшо саройи ихтиёрида бўлган ва «Нон саройи» деб номланган.**
- **Ҳозирги Греция ва Мисрда нонинг шифобахшлигига аҳамият беришган. Уни ошқозон касалига даво деб билганлар.**

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЭНГ МАЪҚУЛ ДАСТУРЛАРДАН БИРИ

- **ВАШИНГТОН. АҚШ «Боғланиш гуруҳи» режасини Босния ва Герцеговина муаммосини ҳал қилишнинг энг маъқул дастурларидан бири деб ҳисоблайди. АҚШ Президенти матбуот котиби Ди Ди Майерс ўтган куни журналистларга шуни маълум қилди.**

У АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофернинг жума куни Женевага сафари ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. «Боғланиш гуруҳи»да иштирок этувчи давлатлар ташқи ишлар вазирлари Женевада бу мураккаб масала хусусида фикрлашиб оладилар.

АФРИКАГА САФАР

- **ПАРИЖ. Бош вазир Эдуар Балладюр Африкага сафари чоғида Руанда қочқинлари жойлашган Зоир давлатига ҳамда Руандага ташриф буюради.**

Франс Пресс ахборот маҳкамаси Бош вазирнинг Кот-Дъивуар ва Габонда бўлишини ҳам билдирди.

МАТБУОТ КОТИБИНИНГ ФИКРИ

- **ВАШИНГТОН. КХДР мажбуриятларга асосан ядровий дастурини тўхтатмоқда ва бу Шимолий Корея—АҚШ муносабатларидаги энг муҳим омиллардан биридир, деди АҚШ Президенти матбуот котиби журналистлар билан учрашувда.**

Америка Шимолий Корея қочқинларининг мамлакатда беш ядро каллаги мавжудлиги ҳақидаги хабари ҳақиқатга мувофиқ эмас. Бироқ, КХДРда ядро қуролини кенг миқёсли ишлаб чиқариш учун шароитлар мавжуд, деган фикрдадир.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ — МУҲОКАМАДА

- **КИШИНЕВ. Молдова парламенти «Гагауз (ҳақўғуз)лар яшаётган ҳудудга махсус ҳуқуқий мақом берилиши хусусида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишга киришди.**

Тан олинмаган Гагауз Республикаси парламенти вакили Михаил Кендигелян бу муҳокамада иштирок этади. Ушбу қонун лойиҳасини август ойида қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

СОБИҚ ҚАРОРГОҲДА ЯНГИ ҚУРИҚХОНА

- **ВИЛЬНЮС. Литва табиат жамғармаси тирик табиат халқаро фонди билан ҳамкорликда совет қўшинларининг собиқ қароргоҳларида 29 янги қуриқхона ташкил қилишга аҳд қилди.**

Совет армияси қўшинлари ўтган йилнинг 31 августигача 60 минг гектар ерни ишғол қилиб турган эди. Бу мамлакат жами ҳудудининг 0,9 фоизига тенгдир.

ХАБАР РАД ЭТИЛДИ

- **ЖАКАРТА. Индонезия вакили ўз мамлакатининг Камбоджа ҳукуматига қурол етказиб бераётгани ҳақидаги Таиланд матбуоти тарқатган хабарни рад этди.**

«Бу Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси сиёсатига мутлақо зид бўлур эди», деди Индонезия вакили.

ҚОЧҚИНЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШ УЧУН

- **БОННИ. ГФРдаги 1800 тиббиёт ходими Зоирдаги Руанда қочқинлари яшаётган лагерларга боришга розилик билдирди.**

«Каре Дойчланд» немис хайрия ташкилоти мамлакатдаги врачларни кўнгилли равишда қочқинларга тиббий ёрдам беришга даъват этган эди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

• Илму ҳикмат ўтни ёндирар

ТИББИЁТНИНГ ЭРТАНГИ КУНИ ВОРИСЛАРИ

Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди, деб шуни айтишса керак. Катта институт раҳбари, етук мутахассис, чет эллар таълимини олган, айни чоғда ўз билими билан хориждлик ҳамкасблар таҳсинига сазовор бўлган олим, шифокор билан бугунги кун тиббиётидаги муаммолар хусусида суҳбатлашиш, дилдан гаплашиш ниятида эдим. Бироқ суҳбатимиз индаллосиданоқ мустақил республика тиббиётининг эртанги кун ворислари... улар қандай бўлиши керак, деган мавзуга айланиб кетди.

Аввало суҳбатдошим билан таништирай: Ҳамид Еқубович Каримов — II Тошкент Давлат тиббиёт институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор. 1964 йилда ТошМИнинг даволаш факультетини битирган. Стажер-тадқиқотчи, аспирант. 1968 йили тиббиёт фанлари номзоди, саксоничи йили фан доктори, сўнг профессор... Декан ўринбосари, декан, проректор ва ректор... Оилали, учта фарзанди, бир неча набиралари ҳам бор. Ҳаётида энг муҳим воқеа 1977—79 йиллари Гвинея Республикасидаги Канакри университетида тиббий фанлардан француз тилида дарс берганн...

— Олий таълим соҳасидаги янгиликлар, ўзгаришларни дастлаб ўша ерда кўргандим,— дейди Ҳамид Каримов.— Аввал бўлажак шифокорлар собиқ СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Халқ таълими комитети томонидан тасдиқланган режа ва дастур асосида тайёрланарди. Уларда республикамизнинг ўзига хос урф-одатлари, халқ анъаналари, Шарқ табобати ҳисоба олинмасди. Ундан ташқари ҳар қайси ҳудудда тарқалиши мумкин бўлган касалликлар турлича бўлса-да, аммо ўқитиш бир хил эди. Қолаверса, биз учун сифат эмас, сон биринчи ўринда турган. Шу боис абитуриентлар кўп қабул қилинган. Мустақилликка эришганимиздан кейин вазият ўзгарди. Энди ҳар томонлама етук, малакали шифокорлар тайёрлаш устида ўзимиз бош қотиришимизга тўғри келади.

— **Худди шу ўринда Гвинеяда кўрганларингиз асқотгандир...**

— Фақат угина эмас, умуман хорижий давлатлар тиббиётини ўрганиш, уларни атрофлича таҳлил қилишга тўғри келди. Шу тариқа Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда институтимиз жамоаси ҳамкорликда олий тиббиёт муассасалари учун тиббий-олий таълим тизимини яратдилар. Мазкур таълимнинг асосий хусусияти жаҳон андозаларига мос келадиган, кўп босқичли. Дастлабки босқич беш йилга мўлжалланган. Уни тугаллаган талаба тўла бўлмаган олий маълумотга — бакалавр даражасига эга бўлади. Бу мутахассислар шифокор ёрдамчиси сифатида ишлашлари мумкин. Тизимнинг иккинчи босқичи икки йил. Давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширган мутахассис умумий врачлик касбига эга бўлади. Агар бу шифокорлар махсус мутахассисликка эга бўлмоқчи бўлсалар диплом олганларидан сўнг яна икки йилдан тўрт йилгача танлаган тор мутахассислиги учун ўқишади.

— **Умумий ҳисобга кўра тиббиёт институтида ўқиш анча узоққа чўзилар экан-да. Бироқ орзу-ҳавас деган гап бор. Ҳар бир ота-она фарзандининг ўқимишли бўлишини хоҳлайди. Ўғил болаларнинг йўли бошқаю, қизларники қийин-да. Оила қуриш, фарзанд кўриш, бу ёқда ўқиш дегандек...**

— На илож, бизда ўқиш анча қийин. Лекин шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳомиладор талабаларимиз авваллардагидек бир йил академ таътилини олиб, сўнг ўқишларини давом эттиришлари мумкин бўлади. Қолаверса, врач бўлиш учун ўқишнинг асосий қисми етти йил, унда битирувчи умумий врач деган ном билан диплом олади.

— **Кези келганда яна бир нарсани сўрамоқчи эдим, домла. Мустақил республикамизда миллий қадриятларни тиклаш, халқ анъаналарини давом эттиришга алоҳида аҳамият берилляпти. Ахир Шарқ табобати кимларни лол қолдирмаган, афсуски, уларни...**

— Тўғри англабсиз. Чет эл тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатдики, йил давомида билимни такомиллаштириб бориш, ўтилаётган дарсни қатъий назорат остига олиш, айниқса, талабага қўйилаётган баҳони объективлаштиришга алоҳида аҳамият талаб этиларкан. Шу тариқа талаба билимини баҳолашда тест саволлари билан рейтинг усулидан фойдаланишни йўлга қўйдик. Рейтинг тизимининг афзаллиги шундаки, аввало талаба йил давомида ўзининг фанларни қандай ўзлаштираётганини ўзи назорат қилиш имкониятига эга бўлади. Бутун таълим жараёнида талабанинг ҳам назарий, ҳам амалий билими балл қўйиш орқали баҳолаб борилади. Синов пайтига келганда эса ярим йилда йиғилган баҳолар бали талаба билимини яққол кўрсатади. Қолаверса, энди талаба балл тўплаш учун ҳам дарсларда қатнашиши шарт бўлади.

— **Яхши ўқишга ҳам ҳаракат қилади-да!**

— Ҳа, албатта, студентлар ўз устида кўпроқ ишлайдиган, юқори билим олишга ҳаракат қиладиган бўлади. Мана шу тугалланган ўқув йилининг бошида тест маркази ташкил қилиб, уни компьютерлар билан жиҳозлагандик. Шунга кўра жорий имтиҳонларни ҳам тест йўли билан олишни йўлга қўйдик. Компьютерга имтиҳон топшириш, объектив баҳо олишнинг нечоғли мақсадга мувофиқлигини талабаларнинг ўзлари ҳам эътироф этишмоқда.

— **Эшитишимча, Америкаданинг Чикаго шаҳридаги Иллинойс университети билан сиз раҳбарлик қилаётган институт ўртасида шартнома тузилган экан. Сиз айтган тест марказининг ташкил этилишида ҳам америкалик ҳамкасблар катта ёрдам беришгандир?**

— Америкада халқаро соғлиқни сақлаш иттифоқи мавжуд. Бу аслида собиқ СССР республикалари, собиқ социалистик давлатлардаги соғлиқни сақлаш тизимига беғараз ёрдам бериш учун тузилган иттифоқ. Мазкур иттифоқ билан икки йилдан буён шартнома асосида педиатрия, неантология, нейрохирургия, травмотология соҳалари, шунингдек, ўрта тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш бўйича ҳамкорлик қиламиз. Ҳали таъкидлаганингиздек, тест марказини ташкиллаштириш ишларида ҳам улардан анча мадад олдик. Бундан ташқари муҳаҳассисларимиз иш ўрганиш, тажриба алмашиш мақсадида тез-тез Иллинойс университетида бўлиб қайтишяпти. Улар айниқса, моддий томондан ҳам бизни қўллашяпти. Совға тариқасида юборилган факс, ксерокс, компьютерлар, мониторлар жуда асқотяпти. Хуллас, ҳамкорлигимизнинг илк натижалари кўз тегмасин, ёмон эмас.

— **Тиббий-олий таълим соҳасидаги бундай яхши гаплар ҳаммани ҳам қувонтириши табиий. Бироқ шифохоналаримиздаги аҳвол, очиғи, дори-дармон танқислиги кишини ранжитади. Оддий бир мисол: даволаниш учун ишлатиладиган дорилар ҳам майли-я, лекин операция учун бинт, пахтадан жарроҳлик қўлқопларигача, наркоз учун ишлатиладиган дориларнинг спирт, йодгача олиб бориб бермасангиз, беморнинг ҳоли вой. Шифохонада бирон-бир танишингиз бўлса бошқа гап, бўлмаса...**

— Тўғри, тиббиётнинг бугунги кундаги энг оғриқ нуқтаси дори-дармон танқислиги муаммоси. Бунинг сабаблари кўп. Бошқа шифохоналар хусусида бирон гап айтолмайману, лекин бизнинг иккинчи ТошМИ клиникасида беморлар учун иложи борича зарур дориларни етказиб беришга ҳаракат қилиняпти. Бизда таъминот масаласи ҳар ҳолда, яхши. Бунда албатта, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ёрдами катта. Умуман, дори-дармон танқислиги масаласи хусусида тўхталадиган бўлсак, куни-кеча мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган Фармондан сўнг бу борада сезиларли ўзгаришлар бўлиши шубҳасиздир.

Умида ФАЙЗИЕВА
суҳбатлашди.

ЖАРЧИНОМА

УАБ ТРЕЙДИНГ ЛТД
Тошкентдаги омбордан
"Поло"
ва
"Ричмонд"
сигареталарини
СОТАДИ.
Манзилгоҳ: Чилонзор мавзеси,
Қатортол кўчаси, 60.
Телефон: 78-30-33.

«ИРИТ—2»
КИЧИК КОРХОНАСИ
ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:
— тупроқни пресслаб ғишт тайёрлаш ускунаси. Ускуна ўтга чидамли бўлган ғиштни тайёрлаш учун ҳам ярайди;
— сариёғ ишлаб чиқариш учун қурилмалар.
Мурожаат учун Тошкентдаги телефонлар:
62-52-91 (кундузи),
44-47-20, 62-20-74 (соат 18 дан кейин).

UAT
"Ўзбекавтотур"
республика давлат фирмаси
хорижга ва Ўрта Осиё, Шарқ мамлакатлари бўйлаб - Малайзия, Ҳиндистон, Тайланд, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон, Эронга хилма-хил саёҳатларни таклиф этади.
Эронга сафар ҳар томонлама қулай бўлган "Мерседес" маркали хусусий автобусларда амалга оширилади.
"Узбекавтотур" фирмаси битими бўйича Эронга борувчи сайёҳлар учун энг имтиёзли тарифларда автобуслар берилади.
Аҳолининг кенг қатламлари учун Ўрта Осиёнинг муқадас жойлари бўйлаб барча урф-одатларни бажо келтириш ва уларга риоя этиш учун Умра йўналиш таклиф этилади. Сиз Исмоил Ал-Бухорий, Хўжа Аҳмад Яссавий, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандий номлари билан боғлиқ муқадас жойларга бориб, зиёрат қилиб қайтишингиз мумкин.
Умра йўналиши бўйлаб сафарга чиқувчи зиёратчилар учун кондиционерлар ва музлатгич билан жиҳозланган "Коросо" маркали ҳар томонлама қулай автобус хизмат кўрсатади.
Шунингдек, табиат қўйнида, сайёҳлик базалари, "Сангзор", "Шаршара" пансионатларида дам олишингиз ҳам мумкин.
Фирма хорижий паспортларни, консуллик визаларини расмийлаштириб беради. Сайёҳлик хизматларининг ғоятда кенг турларини таклиф этади.
Биз ҳар қандай истакни бажо келтиришга шаймиз.
Фирма манзилгоҳи:
Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 16-уй. (Собиқ Педагогика кўчаси).
Йўналиш:
Собиқ Туркман бозорининг қурилаётган биноси рўпарасида. "Узавтотур" биноси, 1-қават, 1-хона.
Телефон: 56-34-61.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 1 VIII

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун "Орзуларим — бир дунё".
18.35 "Мусиқий дақиқалар".
18.45 "Ёшлик" студияси. "Ғазалхон ёшлигим".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Назм ва наво". Бобур лирикаси.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахборот.
21.25 Эълонлар.
21.30 Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан. "Ботма, қуёш!".
22.30 Рабиндранат Тагор. "Севги достони" асари асосида тайёрланган телеспектакль премьераси.
23.35 — 24.00 "Ўзбекистон" ахборот.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 "Ҳаёт бўсағасида".
20.15 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
20.45 "Саломатлик — туман бойлик".
21.05 — 23.15 "Сирли ворис". Бадиий фильм. 1—2-серия.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
*
18.00 — 20.05
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.05 Душанба куни детектив. "Мередон қўрғонидаги фожиа". Бадиий фильм. "Эркюль Пуаро" сериалидан.
21.05 Яхши ният ўйинларида.
21.35 — 22.25 "Асл ҳолича".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Яхши ният ўйинларида.
18.25 "Сиз кутган учрашувлар". В. Павлов.
19.10 Яхши ният ўйинларида.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Спорт уик-энди".
20.40 "Хонимга узоқ умр тилайман". Бадиий фильм (Италия).
22.40 — 23.05 "Рақслар, рақслар, рақслар...". Нижний Новгороддан кўрсатилади.

Сешанба, 2 VIII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 "Еттидан ўн иккигача". Болалар учун фильм.
10.00 "Абитуриент-94". Кимё.
10.30 "Куйла, дуторим". Фильм-концерт.
10.55 "Абитуриент-94". География.
11.25 "Кичкинтой" студияси. "Ўйинчоғим яхши қол".
11.50 "Аньана". Телефильм.
12.25 — 13.30 Рабиндранат Тагор. "Севги достони". Телеспектакль.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Одилгирей". Бадиий фильм.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Мусиқий дақиқалар".
20.10 "Тадбиркорлик мактаби".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахборот.
21.25 Эълонлар.
21.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион тан-лови.
22.30 "Актёрлар ва роллар". Одина Ғозиева.
23.40 — 00.05 "Ўзбекистон" ахборот.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 "Спринт".
20.15 "Жонли тил". Телеўйин.
21.15 "02" тўлқинида.
21.40 "Кинотриада".
22.40 — 00.15 "Портлатилган дўзах". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
*
18.00 — 20.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.10 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадиий телефильм.
21.00 "Ҳеч ким унутилмайди".
21.05 "Кутиш зали".
21.55 Яхши ният ўйинларида. Бадиий гимнастика.
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.25 — 23.45 Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига. "Икковлон чўлда". Бадиий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
***
18.00 "Тиғиз пайт".
18.25 Мультфильмлар: "Эртак ичида эртак", "Ксюша ва Компьюша ҳақида".
19.05 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Монолог".
20.45 "Қора балиқ" изи". Телесериал. 2-серия.
21.55 — 22.55 Яхши ният ўйинларида.

Пайшанба, 4 VIII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 Болалар учун фильм. "Эл ардоқлаган артист".
9.50 "Абитуриент-94". Физика.
10.20 "Лола" ансамбли". Фильм-концерт.
10.45 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.55 "Абитуриент-94". Биология.
11.25 "Ёшлик" студияси. "Ёшлар ва замон".
11.50 — 12.40 "Ўзбекистон композиторлари". Мардон Насимов.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Оромгоҳлар қўйнида". Болалар учун кўрсатув.
18.25 "Эл тинчлиги йўлида".
18.55 "Тилга эътибор...".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан. "Тошкентлик лочин". Телефильм.
20.10 Мумтоз куйлардан концерт.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахборот.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Кино усталари". Халқ артисти Наби Раҳимов.
22.20 Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги олдидан. Хайриддин Султонов. "Мозийдан бир саҳифа". 1-қисм.
23.40 — 00.10 "Ўзбекистон" ахборот.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
"ОМАД" таништиради:
19.50 "Омад" тақвими.
20.00 "Жозиба".
20.20 "Бир шингил ҳангома".
20.30 "Муҳаббатга ошно қалблар".
20.55 Видео янгиликлари.
21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
22.05 — 24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
*
18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадиий телефильм.
20.45 Яхши ният ўйинларида.
21.15 "Яхши ҳаёт ҳақида беш дақиқа".
21.25 Яхши ният ўйинларида. Волейбол (хотин-қизлар).
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.25 — 23.50 "Хўжа Насриддиннинг 12 қабри". Бадиий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
***
17.55 Яхши ният ўйинлари. Спорт гимнастикаси. Сувга сакраш. Волейбол. Хотин-қизлар. Ярим финал. Санкт-Петербургдан кўрсатилади. Танаффус пайтида — Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Москва — Кремль".
20.55 "Қора балиқ" изи". Телесериал. 3-серия.
22.15 — 23.00 Яхши ният ўйинлари. Фигурали учиш.

Жума, 5. VIII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 "Бегоналарнинг кириши мумкин эмас — мумкин". Бадиий фильм.
9.45 "Ёшлик" студияси. "Ойдин орзулар".
10.40 "Машшоқнинг бахти". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Неъматжон Қулабдуллаев.
11.50 — 13.15 Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги олдидан. Хайриддин Султонов. "Мозийдан бир саҳифа". 1-қисм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Чорраҳа".
18.40 "Боғимизга келинг". Телефильм.
18.50 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Истиқлол қалдиргочлари".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Осиё ўйинлари олдидан". Спорт кўрсатуви.
20.10 "Кекса санъаткорлар". Роҳатой Маннонова.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахборот.
21.25 Эълонлар.
21.30 Бевосита мулоқот.
22.15 Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги олдидан. Хайриддин Султонов. "Мозийдан бир саҳифа". 2-қисм.
23.35 — 24.00 "Ўзбекистон" ахборот.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 "Ёз ҳикоялари".
20.15 "Йиллар оша...".
20.40 "Тоғ қўлларининг сири". Телефильм.
21.00 "Ўзбекистон" ахборот.
21.25 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Тошкент оқшомлари".
22.25 — 23.50 "Ҳаммаси битта ҳаёт". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
*
18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.55 Яхши ният ўйинларида. Фигурали учиш.
21.00 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадиий телефильм.
21.55 Яхши ният ўйинларида.
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.25 "Пазанда". Бадиий фильм.
*
23.35 "Қора балиқ" изи". Телесериал. 5-серия.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
***
17.55 Яхши ният ўйинларида.
18.55 "И. Бродский билан бирга сайр". 1-қисм.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Мўъжизалар майдони".
21.25 Катталар учун мультфильм.
21.50 — 23.00 "Қора балиқ" изи". Телесериал. 4-серия.

Шанба, 6.VIII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 "Йигит ҳамиша йигит". Бадиий фильм.
9.55 "Ҳужжатли экран".
10.40 "Ёшлик" студияси. "Фахрийлар — фахримиз".
11.30 Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги олдидан. Хайриддин Султонов. "Мозийдан бир саҳифа". 2-қисм.
12.50 Мактаб ўқувчилари учун "Ўйла! Изла! Топ!"
14.05 — 14.40 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Диёр тароналари".
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Уч қурбақа". Мультфильм.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Эртаклар — яхшиликка етаклар".
18.55 "Сиҳат-саломатлик".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Барча шодлик сенга бўлсин..." Дам олиш мусиқий кўрсатуви.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахборот.
21.25 Эълонлар.
21.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Ўзбекистон ва жаҳон".
22.00 "УМИД". Ёшлар телеўйини. 1-кўрсатув.
23.10 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультфейерверк".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
10.10 Видеогид.
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
11.10 "Кинонигоҳ".
12.40 "Омад" тақвими.
12.50 "Жозиба".
13.10 "Бир шингил ҳангома".
13.20 "Муҳаббатга ошно қалблар".
13.45 Видео янгиликлари.
14.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
14.55 "Кинонигоҳ".
***
19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 Болалар учун. "Табассум".
20.30 Телефильм.
21.00 "Ўзбекистон" ахборот.
21.25 "Халқ саломатлиги йўлида".
22.25 ЎзТВ хазинасидан. "Рақс лаҳзалари". Ўзбекистон халқ артисти Замира Давлатмуродова.
23.15 — 00.35 "Дўст". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
*
11.40 — 16.00
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
11.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
12.05 "Ўзбекистон — қадрдон уйим".
12.45 "Салом, дўстлар!".
13.20 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
13.35 "Дидар" (қозоқ тилида).
14.15 "Мозийдан ёғдулар".
14.45 "Си-Эн-Эн" янгиликлари (инглиз тилида).
15.00 "Бизнен мирас" (татар тилида).
15.40 "Бу ажиб дунё".
*
18.00 — 19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.25 "Овросне-ТВ" таништиради: "Қора кобра—IV". Бадиий фильм.
21.10 "Усталар". "Баракалла, Зошченко".
21.50 "Клип-антракт". М.Шуфутинский.
21.55 "Америка юлдузлари".
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.25 — 23.30 "Ақллилик балоси". Бадиий фильм. 1-серия.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.05 "Ўшангача ва ундан сўнг...".
18.55 "Кулгипанорама". Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.45 — 22.50 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Бгина — чангалзорлар маликаси" (АҚШ).

Якшанба, 7. VIII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 78—79-серия.
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Барҳаёт наволар". Ўзбекистон ва Туркманистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов.
12.00 "Шавкатли рицарь Айвенго ҳақида қисса". Бадиий фильм.
13.25 "Халқ ижодиёти". Сайқал Қулмонов.
14.05 — 14.35 "Меҳнат самараси". "Ўзбектелефильм". Премьера.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Кучук бола ва эски шиппак". Мультфильм.
18.10 "Цирк! Цирк! Цирк!"
18.55 "Ёшлик" студияси. "Садо".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 "Нурли излар". Темирйўлчилар кунига бағишланган кўрсатув ва концерт.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Эълонлар.
21.35 "Ойнаи жаҳонда".
21.55 — 23.45 Уйғун. "Парвона". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
17.00 "Совға".
17.30 Эълонлар.
17.40 Видео — "О".
19.20 Эълонлар.
19.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
20.00 "Курьер".
20.20 Эълонлар.
20.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
21.00 "Даракчи".
21.10 Эълонлар.
21.15 — 24.00 Видео — "О".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
*
11.45 — 16.00
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
11.45 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
12.10 "Дунё эшиги".
12.50 "Бугунги Япония".
13.30 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
13.45 "Немислар ҳаётидан".
14.20 "Таништирлар ва таклифлар".
14.40 "Си-Эн-Эн" янгиликлари (инглиз тилида).
14.55 "Эстрада юлдузлари". Мадонна.
15.40 "Бу ажиб дунё".
*
18.00 — 19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.25 "Юлдузлар ёғилганда".
20.30 Яхши ният ўйинларида. Баскетбол. Ярим финал.
21.30 "Ксюша ҳузурида".
22.00 "Жентльмен-шоу".
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.30 — 23.50 "Ақллилик балоси". Бадиий фильм. 2-серия.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.10 Мультфильмлар: "Баскетбол жазаваси", "Ҳақиқий ажина овловчилар".
19.05 "Бомонд".
19.20 "Одесса" киностудиясининг 75 йиллигига. "Эртага келинг". Бадиий фильм.
21.00 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатув.
21.55 Александр Блок хотирасига бағишланган кўрсатув.
22.40 — 23.20 Яхши ният ўйинлари. Эшкак эшиш.

Дил изҳори

ЙЎЛИНГДА ИНТИЗОРМАН

* * *

Лабингдаги холинг кўриб жафо чекур бу жоним,
Эл аро афсонадур бу кун ҳоли паришоним.
Ноз-истиғно ила келиб бир дам ёнимга ўлтир,
Бу оламда ўзингдурсан манинг икки жаҳоним.

* * *

Бу дунёда гўзаллар кўп, Раъно дек дилбарни кўрмадим,
Дилимга не оташ солган тиллойи аҳмарни кўрмадим.
Йўлингда интизорман кангул заҳмига бир даво истаб,
Ўзимдек абгор ҳоли туфроққа баробарни кўрмадим.

Бевафога кўнгил бериб, воҳ саргаштаман юртлар аро,
Бошида шунча савдо бечора қаландарни кўрмадим.
Турфа тақдирлар гувоҳидир Умрбоқий, эй ёронлар,
Вале бундоқ оламшумул Мажнуни бесарни кўрмадим.

УМРБОҚИЙ.

ВАТАН ҚЎШИҒИ

Кўнглим ҳайратларга тўлиқ ҳар қачон,
Қалбимда янграйди фузун наволар.
Борлиқ нурга тўлиб, тинчлик меҳварин
Тумқор этиб олса мангу дунёлар.

Фалак — дил буржида яшаб, парилар,
Макон тутганидай тоза осмонни.
Мен ҳам юрагимни қўйиб ўртага
Она-Ватан дедим Ўзбекистонни!

Ҳар қалай, дил ёнар, Ватан сенинг
Тинчлик қўшиғи бор ҳур иқболида.
Кўксимни кўкларга тутиб, ва дейман:
Ойдин орзум бордир Истиқлолида.

Мақсуд ШОУСМОН.

● БУ СИРЛИ ДУНЕ

«ТИҒ ДАВОСИМИ... СЎЗ ДАВОСИМИ?»

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салом «Тақво мана бу ердадур», деб кўксиларини кўрсатганларида кўнгил поклигию эътиқод бутлиғига ишорат қилган эканлар. Бировнинг дилидагини биров билмайди. Ҳатто жаноби пайғамбаримиз ҳам ғоятда ибратомуз камтарлик ила «менга одамларнинг кўнглидагини билиш буюрилмаган», деганлар. Шундоқ экан, биз, фикри ожиз бандалар нени ҳам билурмиз, неларга ҳам ақлимиз етур?

«Қуръони карим»да ҳам зикр қилинадики, одамлар Аллоҳ илмидан фақат У зотнинг ўзи истаган нарсаларнигина биладилар.

Очилхонтўра бобо ҳақида бир калима сўз: Очилхонтўра Алиасқаров 1928 йили туғилган. Ота-онасининг ўн етти фарзандидан ёлғиз у — тўнғичигина ҳаёт, холос. Бобонинг кўзлари ожиз — 1-гуруҳ ногирони. Икки ўғил, тўрт қизлари бор. Тошкент вилоятининг Ғалаба туманидаги Свердлов номли жамоа хўжалигининг «Қизил Шарқ» участкасида яшайди.

— Ўзим саид авлодиданман, — деб оҳиста, аммо ҳаяжон ила сўзида давом этди бобо. — Оилада ёлғиз ўғил эдим. Умрим меҳнатда ўтди: колхозда аравакашлик қилганман, каноп ташиганман, ферма молини боқдим, қишлоқ кенгашида почтачилик ҳам қилдим. Тинмадим. Бир куни кўзларимга чўп кириб шу-шу ногирон бўлиб қолдим. Куну тун йиғладим, ёруғ жаҳон қоронғу менга деб. Оҳу зоримни ёлғиз Аллоҳга айтардим. Эшонбобомиз бирда тушимга кирдилар. «Қозоғистоннинг Чияли туманидан бир аёлдан озган одам олдингга келади», дуо ўқиб юргин, «тузалсин», деб фотиҳа бердилар. Ўша кезлардан бошлаб, яқин-атрофлардан одамлар эшитиб, дуо ўқитишга кела бошлашди. Бора-бора одамлар оқимининг кети узилмай қолди...

Бу сеҳрли сўзлардан вужудимга нимадир таъсир қилдию бободан очиғини сўрашга ўзимда журъат топдим.

— Дуоингиздан шифо топганларнинг саноғи йўқ экан, Сири нимада?

— Ука, баъзи чала муллаларга ўхшаб бировни тузатаман, яхши қиламан, деб айтолмайман, — деди у камтарлик билан. — Бу Аллоҳнинг иши. Баъзи оғзи катта оғайниларим «Ота-онанг ўлса, бошқа одам кўмади. Чунки сенинг қўлингдан ҳеч иш келмайди», дейишарди. Мен эса йиғлардим. «Илм бер, эй, Аллоҳ, масжид солай», дердим, холос.

Масжид ҳақида бир калима сўз: Бобо Бўка туманидаги Ҳамза номли жамоа хўжалигининг Лисенко участкасида битта масжид қуриб беришга бош-қош бўлдилар. Ғалаба туманида эса — «Қизил Шарқ» участкасида ҳам янги масжид барпо этдилар. Ҳозир ҳам бор топган-тутганларини савоб учун шу масжидлар қурилишларига сарфлайдилар.

— Ёшим етмишга яқинлашган бўлса ҳам бу одатимни тарк этганим йўқ, — деб ҳикоясини давом эттирди у. — Фарзандларимнинг топганлари ўзларига етади. Мен баъзи бировларга ўхшаб назр йиғмайман. Халқдан олдимми — халққа бераман. «Қуръон»да бировга таъма қилиш — ҳаром, дейилган. Иншооллоҳ, ҳонаҳонлар мендан авлодларга ёдгорлик бўлғусидир...

Ўйлаб кетдим: Чориёрлар, кўплаб саҳобалар ҳам нимани топган бўлсалар, халққа, етим-есирларга, бева-бечораларга беришган. Бобо ҳам пулнинг — назрнинг бетига қарамайдилар. «Ўз кучингиз, меҳнатингиз билан топган таомингиз — энг ҳалол таом», дейдилар.

— Сизни нафаси ўткир, дейишади. Бунда қандай сир бор? — мақсадга кўча қолдим.

— Дуо ўқиб бўлиб «суф» деганда бемор вужуди жимирлашади. Бу — ихлосдан,— дея ниҳоят «сир»ни оча бошлади бобо. — Ихлос деганда масалан, менга ёки дўхтирга беморларнинг ўз юрагидаги чин ихлосини кўзда тутяпман. Ихлос қилмаса бўлмайди.

Эшоннинг шу гапига тан бермай илож йўқ! Қани, хулосасини эшитайлик-чи:

— Мен, масалан, ҳеч кимга ишонмайман. Гапнинг рости, жуда ўжарман. Фақат Аллоҳнинг «Қуръони»га ишонаман, холос! Ислом биносининг устунлари нима? Бешта устуни бор: 1. Иймон (Аллоҳга ишонч ва садоқат). 2. Намоз. 3. Рўза. 4. Закот. 5. Ҳаж.

— Ҳар бир мусулмоннинг дилида ҳаж орзуси ёнади, — дедим, — аммо баъзиларда моддий имкон бўлмайди, армонда юради. Бунга нима дейсиз?

— Биз, мўминларда фарз бор. Ҳажга бориш ҳам фарз. Лекин қарз эмас. Агар одам боришни ният қилган бўлсаю маблағи етмаса ёки қазо қилса, шу ниятининг ўзи ҳам фарз.

— Ром, фол очиш ҳақида нима дейсиз?

— Фолчи, ромчи, бахши, иссиқ-совуқ қиладиган дуогўйлар «Қуръон»да қораланган. Бундай нарсалар — ғирт бемаъни, бўлмағур гаплардир. Ишонмаслик керак уларга. Одамни одам қилиб турган нарса фақат иймондир!

Сўзимнинг охирида бутун юрагимдан чиқариб айтаман: давлатимизни мустақил қилган, динимизга кенг йўл очиб берган юртбошимиз Ислом Каримовга минг-минг ташаккур!

Бобонинг сўзларидан таъсирланиб кетдим. Ахир, яқин йилларгача одамлар ўз урф-одатларидан анча узоқлашиб кетишган эди. Ҳатто яқин одамининг маъракасига ҳам боришдан чўчиб қолган эдилар. Мустақиллигимиз шарофати билан эмин-эркин урф-одатларимизни қиляпмиз. Қанчадан-қанча масжидлар қурилди. Оёқости бўлиб қолиб кетган қабристонлар обод қилинди. Ота-боболаримизнинг арвоҳлари шоядки хурсанд бўлса! Шукурлар бўлсинки, инсонларнинг бир-бирларига меҳр-оқибатлари мустаҳкамланиб боряпти. Яқин ўтмишда қасддан нари суриб қўйилган руҳий даволаш қайтиб келди. Абу Али Ибн Сино айтганидек, жисмоний даволаш 50 фоизни ташкил этса, руҳий даволаш унинг ярмини ташкил қилиши ҳам исботланди, яъни тиғ давоси бирла сўз давоси маънисига ҳам ниҳоят тушуниб етдилар!

Сўнгги сўз ўрнида. Очилхонтўра Алиасқаров халққа холис хизмат қилиб келяпти, халқдан бирон нарса олгиси келмайди. Ейиш-ичишга овқати бор, холос. Орттирган нарсаси йўқ. Бугун Намангану Қўқон, уёғи Душанбе ва бошқа жойлардан халқ қўярда-қўймай олиб кетаётгани ўзига эмас, халқ учун бир илтимосини айтди: қишлоғида 200 хонадон ҳамон сувсиз. Битта артезиан қудуқ қазиб сув чиқариб беришса. Чақмоқ қишлоғига борадиган йўл тузатилса. Ахир кўп дуоси — кўп дуо, дейдилар-ку!

Ҳамид ИКРОМОВ.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асриддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» нашраси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-74-76;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 52-624;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 00.45
Г—1037 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: Ҳ. ИКРОМОВ, А. ПУЛАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.